*ЛОЙИҲА*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИНИНГ МУҚОБИЛ ВАРИАНТЛАРИ



(Боши 1-бетда).

Бугун «Халқ сўзи»да эълон қилинаётган Ўзбекистон Давлат мадҳиясининг бу уч варианти халқ депутатлари ва кенг жамоатчиликнинг эътиборига тақдим этилмоқда. Олий Кенгаш сессияси арафасида депутатлар ва жамоатчилик томонидан билдириладиган таклифлар, Олий Кенгашда бўлажак фикр-мулоҳазалар мустақил Ўзбекистонимизга муносиб Давлат мадҳиясини яратиш ишига ёрдам бериши шубҳасиздир. Келтирилган вариантларга нисбатан муносабатингизни ёзма равишда Олий Кенгашнинг Миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият қўмитасига юборишингизни ёки 39-86-08, 39-87-22 телефонлари орқали билдиришингизни сўраймиз.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият қўмитаси ва Ўзбекистон Давлат мадҳиясини тайёрлаш бўйича тузилган ишчи гуруҳи.**

## 1

Бахтиёр АЛИЕВ мусиқаси

Абдулла ОРИПОВ сўзи



Минг йиллар қаъридан келар карвонинг,
Ҳақ йўлга бошлайди одил ниmонинг.
Жаҳонда ягона Ўзбекистонсан,
Маърифат, истеъдод бўлғай сарбонинг.

Оқар дарёларинг ҳайқириб оқсин,
Қуёшдек порлаган бахт кулиб боқсин.
Дўстга дўст, бағри кенг яшнаган диёр,
Сенга ҳам то абад тангри бўлсин ёр!

Ватанга посбондир фарзандлар ҳушёр,
Истиқлол сен учун мангу барқарор.
Инон ўз кучингга, Ўзбекистоним,
Қудратли аждодлар руҳи сенга ёр!

Оқар дарёларинг ҳайқириб оқсин,
Қуёшдек порлаган бахт кулиб боқсин.
Дўстга дўст, бағри кенг яшнаган диёр,
Сенга ҳам то абад тангри бўлсин ёр!

## 2

Рустам АБДУЛЛАЕВ мусиқаси

Мирпўлат МИРЗО сўзи





Уйғонар чўққилар устида офтоб,
Ям-яшил водийга сочиб олтин нур.
Узбеклар юрти бу — навқирон, озод,
Заминда музаффар ўлкасан, мағрур!

НАҚОРАТ:

Қулларни қулларга
Озод Ватан учун берайлик!
Эллардан элларга
Ҳур диёр шуҳратин тарайлик!

Сўнмас руҳимизда матонат асло,
Туркистон наслимиз, меросдир бардош.
Азалдан қалбларда ўчмаган зиё,
Барҳаёт сиймолар сенга бўлди бош.

НАҚОРАТ:

Бизни тангри қуллар, дунёлар чорлар,
Тарк этмас истиқлол энди умрбод.
Қалбларда ҳаётга муҳаббат порлар,
Муқаддас тупроқни этурмиз обод.

НАҚОРАТ:

## 3

Мутал БУРҲОНОВ мусиқаси

Абдулла ОРИПОВ сўзи



Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

НАҚОРАТ:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

НАҚОРАТ:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

